**Хўжа Насриддин/Мулла Насриддин ҳажвияларини айтиш анъаналари**

Инсоннинг бутун ҳаёти, кундалик маиший турмуши, ижтимоий муносабатларини кулгусиз тасаввур қилиб бўлмайди. Гўдаклар тўрт-беш ойлигидан кула бошлайдилар. Биз бунинг асл сабабини билмаймиз. Аммо нима бўлганда ҳам чақалоқ кулгусидан қувонамиз. Бутун дунёда инсонлар самимий кула олмайдиганларни аянчли кимсалар деб, биладилар. Одамлар турмуш уқубатлари, қувончлари, изтироблари, ҳатто муқаррар ўлим ваҳимасини ҳам кулгу билан енгиб келишган. Кулгу шунчалар кенг тарқалган ҳодисаки, биз ҳар соатда бўлмаса ҳам, ҳар куни, албатта, бирорта кулгули вазиятга дуч келамиз, кулгули гапни эшитамиз.

«Латифа» атамаси арабча «лутф» сўзидан олинган бўлиб, нозик фикрлаш, яхшилик қилмоқ, мурувват кўрсатмоқ, шарафламоқ маъноларини англатади.

Ўзбеклар дунёдаги бошқа халқлар каби ҳазилни, тақлидни, кулгини яхши кўрадилар. Кулги инсонга соғлик, яхши кайфият, ўз-ўзидан қониқиш туйғусини бағишлайди.

Ўзбек латифаларининг образларини шартли равишда икки катта гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ бошида Афанди, сўнгра бир киши, бир аёл, бир бола ва бошқалар турса, иккинчи томонда жамиятнинг барча табақаларига мансуб кишилар, жониворлар, табиат ҳодисалари туради. Насриддин номи ўзбек фольклорига XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кириб кела бошлаган.

Шарқ халқлари оғзаки ижодидаги афанди образлари ғоят серқирра бўлиб, улар ўртасида фарқдан кўра ўхшаш жиҳатлар кўплигини кўрамиз. Бу образлар қайси халқ фольклорига қараб турлича номланса-да, латифалар бир халқ ижодидан иккинчи халқ ижодига ўзлашганда, образ номи ҳам шунга мос равишда ўзгаради ва латифа мазмуни миллий характер касб этади.

Афанди ва унинг бошқа халқлар ижодидаги «улфатлари» шу қадар машҳур ва халқ қалбига яқинки, ҳар бир халқ уларни ўз вакили деб талқин қилиб келган ва буни исботлаш учун тарихдан, ҳаётдан унинг прототипини ахтарганлар. Натижада бир эмас, бир нечта «ҳақиқий Насриддинлар» топилган.

Ўзбек латифаларининг энг кўп нашри XX асрнинг 60-80 йилларига тўғри келади. Абдулла Қаҳҳор, Ҳоди Зариф, 1970 йил Ҳошимжон Раззоқов, Шотурсун Шомақсудов, Шуҳрат Шоаҳмедовлар тузган «Латифалар» тўпламлари шулар жумласидандир. Латифалар яхлит йирик тўплам сифатида охирги марта 1989 йилда чоп этилган.

**Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори** **Азамат Ҳайдаров**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги
Республика маданият муассасалари фаолиятини
ташкил этиш илмий-методик маркази директори
А.Ҳайдаров
2019 йил "12" декабрь

# Ўзбекистон номоддий маданий мерос объектлари
# МИЛЛИЙ РЎЙХАТИ

| Т.р. | НММ объекти рақами | НММ объекти номи |
|---|---|---|
| | | **Ўзликни намоён этишнинг оғзаки шакл ва анъаналари** |
| **1.** | 01.01 | Достон |
| **2.** | 01.02 | Эртаклар, афсона ва ривоятлар |
| **3.** | 01.03 | Мақол ва маталлар |
| **4.** | 01.04 | Тез айтиш |
| **5.** | 01.05 | Топишмоқ |
| **6.** | 01.06 | Хўжа Насриддин ҳажвияларини айтиш анъаналари |
| **7.** | 01.07 | Латифа |
| **8.** | 01.08 | Лофлар |
| **9.** | 01.09 | Айтимлар |
| | | **Ижрочилик санъати** |
| **10.** | 02.01 | Мақом санъати |
| **11.** | 02.01.01 | Шашмоқом |
| **12.** | 02.02 | Чолғу ижрочилиги |
| **13.** | 02.02.01 | Рубоб ясаш ва ижрочилик анъаналари |
| **14.** | 02.03 | Мумтоз ашула йўллари |
| **15.** | 02.03.01 | Катта ашула |
| **16.** | 02.04 | Қўшиқчилик санъати |
| **17.** | 02.04.01 | Алла |
| **18.** | 02.04.02 | Ўлан |
| **19.** | 02.04.03 | Лапар |
| **20.** | 02.04.04 | Халфачилик |
| **21.** | 02.05 | Бахши санъати |
| **22.** | 02.06 | Рақс санъати |
| **23.** | 02.06.01 | Хоразм рақси – Лазги |
| **24.** | 02.07 | Томоша санъати |
| **25.** | 02.07.01 | Дорбозлик ва дор ости томошалари |
| **26.** | 02.08 | Аския |
| **27.** | 02.09 | Қўғирчоқбозлик |
| **28.** | 02.10 | Халқ ўйинлари |

| | | |
|---|---|---|
| **29.** | 02.11 | Ўзбек жанг санъати |
| **30.** | 02.12 | Кураш |
| **31.** | 02.13 | Кўпкари |
| **32.** | 02.14 | Болалар фольклори |
| **33.** | 02.15 | Этноспорт |
| **Жамиятнинг урф-одат маросим ва байрамлари** | | |
| **34.** | 03.01 | Оилавий маросимлар |
| **35.** | 03.02 | Палов маданияти ва анъаналари |
| **36.** | 03.03 | Мавсумий маросимлар |
| **37.** | 03.04 | Наврўз |
| **38.** | 03.05 | Диний маросимлар |
| **39.** | 03.06 | Нон билан боғлиқ анъаналар |
| **Табиат ва коинот билан боғлиқ урф-одатлар** | | |
| **40.** | 04.01 | Йил фасллари билан боғлиқ билим ва кўникмалар |
| **41.** | 04.02 | Маданий муҳит |
| **42.** | 04.02.01 | Бойсун туманининг маданий муҳити |
| **43.** | 04.03 | Анъанавий табобат |
| **44.** | 04.04 | Чорвачилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар |
| **45.** | 04.05 | Деҳқончилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар |
| **46.** | 04.06 | Боғдорчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар |
| **47.** | 04.07 | Анъанавий халқ тақвими ва вақт ҳисоби амаллари |
| **48.** | 04.08 | Пазандачилик |
| **49.** | 04.08.01 | Ширинликлар тайёрлаш |
| **50.** | 04.09 | Қуруқ меваларни тайёрлаш |
| **Анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар** | | |
| **51.** | 05.01 | Зардозлик |
| **52.** | 05.02 | Кандакорлик |
| **53.** | 05.03 | Гиламчилик |
| **54.** | 05.04 | Дўппидўзлик |
| **55.** | 05.05 | Қўғирчоқсозлик |
| **56.** | 05.06 | Кулолчилик санъати |
| **57.** | 05.07 | Ганчкорлик |
| **58.** | 05.08 | Ёғоч ўймакорлик санъати |
| **59.** | 05.09 | Каштачилик санъати |

| | | |
|---|---|---|
| **60.** | 05.10 | Миниатюра санъати |
| **61.** | 05.11 | Марғилон ҳунармандчилик мактаби: атлас ва адрас тўқиш техналогияси |
| **62.** | 05.12 | Заргарлик |
| **63.** | 05.13 | Темирчилик |
| **64.** | 05.14 | Сангтарошлик |
| **65.** | 05.15 | Наққошлик санъати |
| **66.** | 05.16 | Ҳаттотлик санъати |

**ЮНЕСКОнинг Зудлик билан муҳофаза остига олиниши лозим бўлган номоддий маданий мерос объектлари рўйхатига тавсия этилиши режалаштирилаётган объектлар рўйхати**

1. Қўбиз ижрочилиги

**ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига тавсия этилиши режалаштирилаётган объектлар рўйхати**

1. Бахши санъати
2. Этноспорт
3. Ёғоч ўймакорлик санъати
4. Халфачилик
5. Ўзбек жанг санъати

**ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид энг яхши тажрибалар реестрига тавсия этилиши режалаштирилаётган ишлар рўйхати**

1. Риштон кулолчилик мактаби

**The Telling Tradition of Hoja Nasreddin Anecdotes**

Currently, in order to preserve and transfer rich intangible cultural heritage to future generations, the National Commission of Uzbekistan for UNESCO in cooperation with responsible organizations in Turkey, Azerbaijan, Tajikistan, and Turkmenistan is preparing a multinational nomination file "The Telling Tradition of Nasreddin Hoja Anecdotes" for inclusion in the UNESCO Representative List of Intangible Cultural Heritage of Humanity.

It is impossible to imagine everyday life and social relationships of a person without laugh. Infants start to laugh at the age of four - five months. We do not know the real reason. In any case, we enjoy baby laughter. People all over the world know that those who can not laugh sincerely are those who are sad (pitiful). People overcome difficulties, trouble and joy in their life and even anxiety about imminent death with laughter. Laughter is so widespread that we come across a funny situation and hear funny stories every day.

The term "latifa" comes from the Arabic word "grace" which means to think delicate, do good, show kindness and honor. Like many other people in the world, Uzbeks love laughter, imitation and humor. Laughter gives a person a sense of health, good mood and complacency.

The images of Uzbek jokes can be conditionally divided into two large groups. If the first group consists of Afandi, followed by one person, one woman, one child, etc., second group consists of people from all classes of society, animals and natural phenomena.

The name of Nasreddin began to appear in Uzbek folklore since the second half of the $19^{th}$ Century. Images' of Afandi in Oriental folklore are very diverse, and we see that there are many similarities between them. Although these images are called differently in different folklore, anecdotes change from one folk art to another, and the name of the image changes accordingly and takes on a national character.

Effendi and his "images" in other folklore are so popular and so close to people that each nation interpreted them as their representatives, and they looked for history and a prototype to prove it. As a result, more than one "real Nasreddin" was found.

The largest number of Uzbek jokes dates from the 1960s and 1980s. These include the collections of Latifah by Abdullah Kahhor, Hadi Zarif, 1970, Khoshimjon Razzakov, Shotursun Shomaksudov, Shukhrat Shoakhmedov.

**Director, Republican Scientific-Methodological Centre for Organization of Activities of Culture institutions** **Azamat Khaydarov**

**"APPROVED"**
A. Khaydarov, Director,
Republican Scientific-
Methodological Centre for Organization
of Activities of Culture institutions

12 December 2019

**NATIONAL ICH LIST**
**of the Republic of Uzbekistan**

| **No.** | **Number of ICH element** | **Name of ICH element** |
|---|---|---|
| | | **Oral traditions and expressions** |
| **1** | 01.01 | *Dostons* |
| **2** | 01.02 | Tales, Myths and Legends |
| **3** | 01.03 | Proverbs and Parables |
| **4** | 01.04 | Tongue-twisters |
| **5** | 01.05 | Riddles |
| **6** | 01.06 | The Telling Tradition of Hoja Nasreddin Anecdotes |
| **7** | 01.07 | Anecdotes |
| **8** | 01.08 | Tall tales |
| **9** | 01.09 | Sayings |
| | | **Performing arts** |
| **10** | 02.01 | *Maqom* art |
| **11** | 02.01.01 | Shashmaqom |
| **12** | 02. 02 | Instrumental performance |
| **13** | 02.02.01. | Traditions of making and playing *rubab* |
| **14** | 02.03 | Uzbek classical music style |
| **15** | 02.03.01. | Katta ashula |
| **16** | 02.04 | Singing art |
| **17** | 02.04.01 | *Alla* (Lullaby) |
| **18** | 02.04.02 | *O'lan* (Wedding song) |
| **19** | 02.04.03 | *Lapar* |
| **20** | 02.04.04 | *Khalfa* art |
| **21** | 02.05 | *Bakhshi* art (Story-telling art of Bakhshi) |
| **22** | 02.06 | Dancing art |
| **23** | **02.06.01** | Khorazm dance-*Lazgi* |
| **24** | 02.07 | Performance art |
| **25** | 02.07.01 | Rope-walking art and rope performances |
| **26** | 02.08 | Askiya |
| **27** | 02.09 | *Qoghirchoqbozlik* (Puppetry) |
| **28** | 02.10 | Folk games |

| | | |
|---|---|---|
| **29** | 02.11 | Uzbek martial art |
| **30** | 02.12 | *Kurash* (wrestling) |
| **31** | 02.13 | *Ko'pkari* |
| **32** | 02.14 | Children's folklore |
| **33** | 02.15 | Ethno sport (national games) |
| **Social practices, rituals and festive events** | | |
| **34** | 03.01 | Family rituals |
| **35** | 03.02 | Palov culture and traditions |
| **36** | 03.03 | Seasonal rites |
| **37** | 03.04 | Navruz |
| **38** | 03.05 | Religious ceremonies |
| **39** | 03.06 | Traditions associated with bread |
| **Knowledge and practices concerning nature and the universe** | | |
| **40** | 04.01 | Knowledge and practices concerning seasons of the year |
| **41** | 04.02 | Cultural spaces (reserves) |
| **42** | 04.02.01 | Boysun |
| **43** | 04.03 | Traditional medicine |
| **44** | 04.04 | Cattle breeding |
| **45** | 04.05 | Agriculture |
| **46** | 04.06 | Gardening |
| **47** | 04.07 | Traditional calendar |
| **48** | 04.08 | Culinary art |
| **49** | 04.08.01 | Preparing of sweets |
| **50** | 04.09 | Preparing of dried food |
| **Traditional craftsmanship** | | |
| **51** | 05.01 | Gold embroidery |
| **52** | 05.02 | Patchwork |
| **53** | 05.03 | Carpet-weaving |
| **54** | 05.04 | Skullcap embroidery |
| **55** | 05.05 | Puppet-making |
| **56** | 05.06 | Pottery |
| **57** | 05.07 | Gypsum carving |
| **58** | 05.08 | Wood carving |
| **59** | 05.09 | Embroidery |
| **60** | 05.10 | Miniature art |
| **61** | 05.11 | The Margilan Crafts Development Centre: Safeguarding of the Atlas and Adras Making Traditional Technologies |
| **62** | 05.12 | Goldsmithery |
| **63** | 05.13 | Blacksmithing |
| **64** | 05.14 | Stone carving |
| **65** | 05.15 | Painting art |
| **66** | 05.16 | Calligraphy art |

**List of ICH**
**in need of urgent safeguarding**

1. *Qobiz* performance

**ICH elements recommended for inclusion into the UNESCO's Representative List of Intangible Cultural Heritage of Humanity**

1. *Bakhshi art*
2. Ethno sport (national games)
3. Wood carving art
4. *Khalfachilik*
5. Uzbek Martial arts

**List of documents recommended for inclusion into the UNESCO registry of the best experiences in Intangible Cultural Heritage safeguarding**

1. *Rishton* school of pottery